«ТУРОНБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

Б А Ё Н И Д А Н К Ў Ч И Р М А

2021 йил 8 январь соат 11:00 | **АС–1** | **Тошкент шаҳри Абай кўчаси, 4[а] -уй**

Чиқарилган овоз берувчи акцияларнинг умумий сони: **520 258 126** дона.

Жойлаштирилган овоз берувчи акцияларнинг умумий сони: **520 258 126** дона.

Йиғилишда қатнашиш учун рўйхатга олинган овоз берувчи акцияларнинг умумий сони: **509 803 422** дона.

Йиғилишда қатнашганлар сони: Акциядорлар ва уларнинг номидан қатнашаётган вакиллар сони **6** киши.

Жумладан: ишончнома орқали қатнашаётган вакиллар сони - **4** киши ва ўз номидан қатнашаётган акциядорлар сони – **2** киши.

КВОРУМ – 97,99%

Шунингдек, банк Кенгаши аъзолари банк Бошқаруви Раиси ўринбосари С.Т.Калдибаев ҳамда банк Бошқаруви аъзолари, департамент директорлари иштирок этдилар.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига банк Кенгаши раиси **Г.А.Холжигитов** хизмат сафарида бўлганлиги сабабли, Кенгаши аъзоси **Ф.Х.Маликов** раислик қилди.

Йиғилиш котиби: **Ж.Б.Ботиров**

Умумий йиғилиш саноқ комиссияси раиси «Туронбанк» АТБ Банкни стратегик ривожлантириш ва маркетинг департаменти директори ўринбосари – Файзиев Равшан Шухратович; Саноқ коммисия аъзолари эса «Туронбанк» Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот департаменти директори ўринбосари - Бегматов Эркин Бурханович, Ғазначилик ва қимматли қоғозлар департаменти директори ўринбосари – Жаббаров Тўлқин Мухтаровичлар акциядорларнинг овозларини ҳисоблаш ва йиғилиш кворуми мавжудлигини аниқлаш бўйича иш олиб бордилар.

.....

Умумий йиғилишга Раислик қилувчи Ф.Х.Маликов Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунига ҳамда «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Уставига амал қилиб, банк

акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини 2021 йил 8 январь куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги, йиғилишни ўтказиш тўғрисидаги хабар ва йиғилиш кун тартиби 2020 йил 17 декабрда «Биржа» газетасининг №145 (2772) - сонида эълон қилинганлигини, қонунда белгиланган тартибда акциядорларга хабар қилинганлигини ҳамда барча ташкилий тадбирлар тўлиқ амалга оширилганлигини таъкидлаб ўтди.

Умумий йиғилишда акциядорлар ва уларнинг вакиллари иштироки ҳамда йиғилишда кворум мавжудлиги тўғрисида маълумот бериш учун сўз **Саноқ комиссияси раиси Р.Ш.Файзиевга** берилди.

.....

Шундан сўнг, банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бир овоздан очиқ деб эълон қилинди.

Йиғилиш ҳайъатига банк Кенгаши аъзолари – Маликов Фаттах Халилович, Хайтметов Рустам Махкамович, Абдушукуров Жамшид Абдигалипович ва банк Бошқаруви Раиси ўринбосари Калдибаев Султан Торабекович ҳамда йиғилиш котибиятига Ботиров Жамшид Ботировичлар сайландилар.

КУН ТАРТИБИ:

Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартиби қуйидагича эълон қилинган:

1. Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши саноқ комиссияси шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. «Туронбанк» АТБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Банк Кузатув Кенгаши аъзоси Кадиров Абдулазиз Абдулхаевичнинг ваколатини муддатидан олдин тугатиш.
4. Гжегож Завадани Банк Кузатув Кенгаши аъзоси этиб сайлаш.
5. «Туронбанк» АТБ бошқарув фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини (KPI) тасдиқлаш.
6. «Туронбанк» АТБ Кенгаши таркибидаги хорижий мустақил аъзоларининг мукофот ва (ёки) компенсация харажатлар миқдорини белгилаш.
7. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг ««Туронбанк» АТБ Кенгаши тўғрисидаги Низоми»га киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш.
8. ««Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Кузатув Кенгаши аъзоларини мукофотлаш тартиби тўғрисидаги Низом»га киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги қарорига асосан банк балансидаги мулкларни бериш.

Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишига Раислик қилувчи **Ф.Х.Маликов** банк Кенгаши томонидан тасдиқланган йиғилиш регламентини таклиф этди ва овозга қўйди.

Регламент бир овоздан тасдиқланди.

Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилган **учинчи ва тўртинчи масалалари** юзасидан мажлис Раиси **Ф.Х.Маликов** сўзга чиқиб қуйидагиларни гапирди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4487-сонли «Ўзбекистон Республикаси банк секторининг молиявий барқарорлигини оширишга оид биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг 8-бандига мувофиқ Молия вазирлигига тижорат банкларидаги давлат улуши бўйича акциядор функцияси ҳамда уларнинг кузатув кенгашлари таркибини қайта кўриб чиқиш ваколати берилган.

Шунингдек, Президентимизнинг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги Фармонида банклар ижро этувчи (бошқарув) органлари ва кузатув кенгашлари таркибини, шу жумладан мустақил аъзолар билан кучайтириш белгиланган.

Молия Вазирлигининг 2020 йил 30 октябрдаги 02/01-02-29-36/1025-сонли хатида Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, банкнинг 10,27 фоиз улушига эгалик қилаётган акциядори сифатида банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш ҳамда банк Кенгаши аъзоси Кадиров Абдулазиз Абдулхаевичнинг ваколатини муддатидан олдин тугатиб, ўрнига Польша ПКО Банки Бошқарувчи директор – инвестициялар ва хусусий банк бўлими бошлиғи лавозимларида фаолият юритиб келаётган Завада номзодини банк Кузатув Кенгаши таркибига *(мустақил аъзо сифатида)* киритиш сўралган.

Завада 1992 йилда Варшава Иқтисодиёт мактаби, 1997 йилда Минисота Университети (бакалавр), 2015 йилда Варшава Иқтисодиёт мактабини (аспирантура) Халкаро иктисодий муносабатлар, банк иши, Халқаро бизнес бошқаруви (MBA) йўналишлари бўйича тамомлаган. У ўз меҳнат фаолиятини Польшанинг Иккинчи миллий инвестиция жамғармаси капитал қўйилмалар ва миноритар уюшма кординатори ва анализчиси сифатида бошлаб, турли нуфузли ташкилотларда ўз

меҳнат фаолиятини давом эттирган. Завада банк фаолиятида 12 йиллик меҳнат тажрибасига эга бўлиб, Шотландия Қироллик банки, Буюк Британиянинг ХСБС Банки ва Польшанинг ПКО Банкларида юқори лавозимларда ишлаган. *(2-илова)*

.....

.....

Саноқ комиссияси раиси Р.Ш.Файзиев «Туронбанк» АТБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишидаги овоз бериш натижаларини ҳисоблаш бўйича саноқ комиссиясининг 3 – сонли баённомасини ўқиб эшиттирди *(5–илова)*.

Жумладан, овоз бериш натижалари ҳисобланганда қуйидагилар маълум бўлди:

*Йиғилишда иштирок этган, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган **6** дона бюллетен бўйича жами овозлар сони **509 803 422** та. Овозга қўйилган масала юзасидан овозлар қуйидагича тақсимланган:*

Кун тартибининг биринчи масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:

*«Тарафдорлар» – **6** та бюллетен бўйича **509 803 422** та овоз, яъни **100 %;***

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» –йўқ;

Кун тартибининг иккинчи масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:

*«Тарафдорлар» – **6** та бюллетен бўйича **509 803 422** та овоз, яъни **100 %;***

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» –йўқ;

***Кун тартибининг учинчи масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:** (кумулятив овоз бериш орқали)*

*«Тарафдорлар» – **6** та бюллетен бўйича **509 803 422** та овоз.*

Кун тартибининг тўртинчи ва 4.1. масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:

*«Тарафдорлар» – **6** та бюллетен бўйича **509 803 422** та овоз, яъни **100 %;***

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» –йўқ;

Кун тартибининг бешинчи масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:

*«Тарафдорлар» – **6** та бюллетен бўйича **509 803 422** та овоз, яъни **100 %;***

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» –йўқ;

Кун тартибининг олтинчи масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:

*«Тарафдорлар» – **6** та бюллетен бўйича **509 803 422** та овоз, яъни **100 %;***

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» –йўқ.

Кун тартибининг еттинчи масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:

*«Тарафдорлар» – **6** та бюллетен бўйича **509 803 422** та овоз, яъни **100 %;***

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» –йўқ;

Кун тартибининг саккизинчи масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:

*«Тарафдорлар» – **6** та бюллетен бўйича **509 803 422** та овоз, яъни **100 %;***

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» –йўқ;

Кун тартибининг тўққизинчи масаласи юзасидан овоз бериш натижалари:

*«Тарафдорлар» – **6** та бюллетен бўйича **509 803 422** та овоз, яъни **100 %;***

«Қаршилар» – йўқ;

«Бетарафлар» –йўқ.

Хулоса: Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига қўйилган барча масалалар бўйича банк Кенгашининг таклифлари кўпчилик овоз билан тасдиқланди.

.....

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар юзасидан берилган овозлар якуний ҳисобига кўра, “Туронбанк” акциядорлик тижорат банки акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг қарори қабул қилинди.

«ТУРОНБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

Қ А Р О Р И:

1. Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши саноқ комиссиясининг шахсий таркиби тасдиқлансин.

2. «Туронбанк» АТБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

3. Банк Кузатув Кенгаши аъзоси Кадиров Абдулазиз Абдулхаевичнинг ваколати муддатидан олдин тугатилсин.

4. Гжегож Завада Банк Кузатув Кенгаши аъзоси этиб сайлансин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 2020 йил 30 июнда 3252–сон билан рўйҳатга олинган «Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги Низом» талабларига асосан номзод Марказий банк билан келишилганидан сўнг лавозимга киришсин.

4.1.Банк Кенгашига Марказий банк билан келишиб олинган кундан бошлаб бир хафта муддат ичида Кенгаш аъзолигига сайланган ҳорижий мустақил аъзолар билан шартномаларни имзолаш вазифаси юклатилсин.

5. «Туронбанк» АТБ бошқарув фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари (KPI) тасдиқлансин.

6. «Туронбанк» АТБ Кенгаши таркибидаги ҳар бир хорижий мустақил аъзога йиллик мукофотнинг максимал миқдори 50 000 (эллик минг) АҚШ доллари ва ушбу мукофотлардан ташқари жами компенсация харажатлари (давлатлараро транспорт ва меҳмонхона) юқоридаги мукофотнинг 50 (эллик) фоизидан ошмаган миқдорда белгилансин.

7. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг ««Туронбанк» АТБ Кенгаши тўғрисидаги Низом»га киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар тасдиқлансин.

8. ««Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Кузатув Кенгаши аъзоларини мукофотлаш тартиби тўғрисидаги Низом»га киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар тасдиқлансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги қарорига асосан банк балансидаги 45 дона МХ-1,4 русумли пахта териш машиналарини «Агросервис» акциядорлик жамиятига беғараз беришга рухсат берилсин.

10. Мазкур қарорлар ижросини назорат қилиш «Туронбанк» АТБ Кенгаши зиммасига юклатилсин.

Йиғилиш котиби **Ж.Б.Ботиров**

Умумий йиғилиш баёни имзоланган сана: «8» январь 2021 йил.